# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
# SURXONDARYO VILOYATI QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMINING
# Q A R O R I

Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2020-yil "3" декабр  Қ-1864 -son  Qumqo'rg'on t.

**Тумандаги "YANGI QISHLOQ DALASI 774" номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш ва ижарага ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 26 ноябрдаги 54-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 26 ноябрдаги 54-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Соатмуродов Шермурод бошлиқ "YANGI QISHLOQ DALASI 774" номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда "Ш.Мирзаев" массиви ҳудудида хўжалик харитасининг 96, 179, 183-дала контурларида жойлашган жами 38,0 гектар, шундан 37,0 гектар суғориладиган экин ер майдони, 0,60 гектар арик, 0,40 гектар йўл ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Н.Мўминовга фермер хўжалигини Давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5. Фермер хўжалиги раҳбарига ўз хохишига кўра тижорат банкларининг биридан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

6. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур "YANGI QISHLOQ DALASI 774" номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер

хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

**Туман ҳокими** O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMLIGI DEVONXONA **Р.Гаппаров**

TO'G'RI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYAT
QUMQO'RG'ON TUMAN
HOKIMI UMUMIY
BO'LIM MUDIR

QUMQO'RG'ON TUMANI
HOKIMINING
QARORI

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ...

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
КУМКУРГАНСКОГО РАЙОНА

190900, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy, tel.: 0(376)46-52-511, fax: 0(376)46-52-511

20 19 yil "24" январь                                    Б-289 - sonli

**Тумандаги "Умар Холпўлатов" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6, 53-моддалари, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги "Фермер хўжаликлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерлардан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 14-сон қарорига мувофиқ, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси хулосаси, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2019 йил 18 январдаги 64-сон хулосасига биноан Халқ депутатлари Қумқўрғон туман Кенгаши сессиясининг 2019 йил 22-январдаги 181/42-5-сон қарорига ҳамда "Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддаларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари Қумқўрғон туман Кенгаши сессиясининг 2019 йил 22-январдаги "Умар Холпўлатов" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратиш бўйича 181/42-5-сон қарори маълумот ва ижро қабул қилинсин.

2. Тумандаги "Умар Холпўлатов" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигига туман захирасидаги "Ш.Мирзаев" массиви қишлоқ хўжалик харитасининг 96, 179, 183,185-дала контурларидан қўшимча жами 47,90 гектар, шундан 44,70 гектар сувли, 1,10 гектар ариқ, 0,40 гектар йўл, 1,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратиб берилсин.

Бундан кейин "Умар Холпўлатов" номли пахта ва ғаллачиликка 96, 179, 183, 185, 2, 10, 89, 10а, 2а, 2в-дала контурларидан жами 107,8 гектар, шундан 102,30 сувли, 2,60 ариқ, 1,90 гектар йўл 1,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони этиб белгилансин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи А.Эсанов 5 кун муддат ичида туман ер хисоботига ўзгартириш киритиш ҳамда "Умар Холпўлатов" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги билан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

5. Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими (А.Мирзаев), туман Давлат солиқ инспексияси (К.Рахмонов), "Агробанк" туман филиали (А.Жумаев), Термиз нефтбаза МЧЖ Қумқўрғон филиали (Ф.Туропов), "Шўрчи дон" корхонаси (С.Астнакулов), "Қумқўрғон пахта тозалаш" АЖ бош директори (Ш.Холматов), "Агрокимёхимоя" АЖ туман филиали (Э.Ишниёзов), туман "Агросервис МТП" МЧЖ туман филиали (Э.Шерданакулов), "Агролизинг" АЖ вилоят бўлими (Р.Муродов):

Қумқўрғон туман ҳокими
Р.Б.ГаппаровгаЯнги қишлоқ
махалласида яшовчи фуқаро
Соатмуродов Шермурод
томонидан

**А Р И З А**

Ушбу аризани ёзишимдан мақсад, менгатуман захирасида турган 96,183, 179,-дала контурларида 38,00 гектар ер майдонига қўйиладиган танлов тендирда қатнашишига рухат еришингизни сўрайман деб.

Ш.Соатмуродов

18, 11.2020й

+998937651991

SAHIFALAR SONI
KIRISH № 2466/01-41
SANASI 19.11.20

QUMQO'RG'ON TUMAN
YER RESURSLARI VA
DAVLAT
KADASTRI BO'LIMI
KIRIM № 01-11204
SANA 25.11.20й

Қумқўрғон туман
ҳокими Р.Б.Гаппаровга
“Янги қишлоқ” мфй
фуқароси
Ш.Соатмурадов
томонидан

# Ариза

Ёзаман ушбу аризани шу ҳақдаким, менга “Ш.Мирзаев” худудидан туман ҳокимлиги захирасида турган ер майдонларидан фермер хўжалиги учун ер ажратишдада ва тендер танловга иштирок этиш учун амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Ш.Соатмурадов

93-765-19-91

SAHIFALAR SONI
KIRISH № 2468/01-41
SANASI 19.11.20

**Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on tuman fermer, dehqon xo`jaliklari va tomorqa yer egalari Kengashi**

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox ko'chasi 3-uy

**Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши**

190900, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани,Ўзбекистон шох кўчаси 3- уй

**2020 йил «25» ноябрь Қумқўрғон тумани №918**

**Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг Қумқўрғон туманидаги "Янги қишлоқ " мфй фуқароси Соатмурадов Шермуродга фермер хўжалиги учун ер майдони олишга муносиб ёки номуносиблиги ҳақида.**

## Х У Л О С А

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15-декабрдаги "фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 362-сонли қарорига кўра, фуқаро **Соатмурадов Шермуродга** фермер хўжалик юритиш учун қўшимча ер майдони (участкалари) берилишига муносиб ёки номуносиблиги бўйича, Қумқўрғон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларқи Кенгаши хулоса бериш учун ўтказган суриштирув текширув натижасида қуйидагиларни аниқлади:

1. Қишлоқ хўжалигида иш стажи 6 йил,қишлоқ хўжалигида тажрибаси бор.
2. Маълумоти олий,инженер
3. Талабгорнинг 10 бош қорамол,20 бош қўйи ва 2 бош оти мавжуд.
4. ТалабгорнингМТЗ-80трактори ва 1 та енгил автомобили мавжуд.
5. Талабгорнинг 5 та ишчи кучи мавжуд.
6. Талабгорнинг иқтисодий асосланган бизнес режаси мавжуд.
7. Талабгорнинг мавжуд 0,50 га томорқасига сабзавот экинлари экиб, самарали фойдаланиб келмоқда.

Юқоридагиларга кўра, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши қуйидаги хулосага келди.

**Қумқўрғон тумани "Янги қишлоқ" маҳалласида яшовчи Соатмурадов Шермуродга Ш.Мирзаев худудидан фермер хўжалиги юритиш учун ер майдони (участкалари) ажратилишига муносиб.**

**Ушбу хулоса аризалар билан биргаликда туман "Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси"га юборилсин.**

**Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси:** **А.Самадов**

№2466-2468/01-20
19.11.2020 й

| | |
|---|---|
| O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI<br>SURXONDARYO VILOYATI<br>QUMQO'RG'ON TUMANI<br>HOKIMINING<br>**QARORI** | РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН<br>СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ<br>**РЕШЕНИЕ**<br>ХОКИМА<br>КУМКУРГАНСКОГО РАЙОНА |

20_20_ y «_18_» ноябр     № Қ-1782     «___»______20__ г

**Тумандаги "UMAR XOLPO'LATOV" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ихтиёрида бўлган ерларни қисман туман ҳокимлиги захира ер майдонига олиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг IV-боб, 36-моддасига, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунининг VI-боб, 32-моддасига, тумандаги "UMAR XOLPO'LATOV" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бошлиғи У.Шайдуллаевнинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. "UMAR XOLPO'LATOV" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бошлиғи У.Шайдуллаевнинг туман ҳокими номига ёзган аризаси қаноатлантирилсин.

2. Тумандаги "UMAR XOLPO'LATOV" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг ихтиёрида бўлган "Ш.Мирзаев" массиви ҳудудида хўжалик харитасининг 96, 179, 183-дала контурларида жойлашган қўшимча жами 38,0 гектар, шундан 37,0 гектар суғориладиган экин ер майдони, 0,60 гектар арик, 0,40 гектар йўл ер майдони туман ҳокимлиги захира ер майдонига қайтариб олинсин.

Бундан кейин "Умар Холпўлатов" номли пахта ва ғаллачиликка 185, 2, 10, 89, 10а, 2а, 2в-дала контурларидан жами 69,8 гектар, шундан 65,30 сувли, 2,0 ариқ, 1,50 гектар йўл 1,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони этиб белгилансин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи в.в.б Х.Йўлдошевга "UMAR XOLPO'LATOV" номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ва ер хисоботига ҳамда туман ҳокимлиги захира ер майдонининг ер ҳисоботига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

4. Ер участкалари бериш (реализация килиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясига ушбу захирага олинган 38,0 гектар ер майдонига танлов ўтказиш вазифаси юклатилсин.